



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 10 октябрь, № 210 (7168) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ташрифнинг асосий воқеалари 9 октябрь куни бўлиб ўтди.

Париж шаҳридаги Шон-шараф майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Франция давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Президентининг Елисей саройига йўл олди.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макроннинг музокарасида Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш, томонларни қизқиртириш минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ишончли ва узоқ

муддатли шерик бўлган Франция билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини алоҳида таъкидлади. Франция давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан келган Европадаги биринчи мамлакат эканини қайд этиб, ўн бешинчи аср бошида буюк соҳибқирон Амир Темура билан Франция қироли Карл VI даврдан буён давом этиб келаётган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч мамлакатларимизни боғлаб туришига эътибор қаратди.

Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбари билан Парижда учрашиб турганидан мамнунлигини билдириб, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг қўламли ислохотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга доир ёндашувлари яқин ёки мос экани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг изчил тараққиётга эришиш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши кўшничлик муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Бундан олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканига эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда сиёсий мулоқот фаоллашгани ва бундан буён мунтазамлик касб этиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳукуматлар ва вазирликлар

даражасида мунтазам мулоқот амалга оширилмоқда. Ташқи сиёсий идоралар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига ижобий баҳо берилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувofiқ, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган, Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида конвенция ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Музокараларда мамлакат-

ларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми мавжуд имкониёт ва салоҳиятга мос эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тиклиниш ва тараққиёт банки, «МЕДЕФ» Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес форумида Европанинг илғор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани катта мамуният билан қайд этилди.

Хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди.

Франциянинг «Эйрбас», «Тоталь», «Винчи», «Орано», «Тоталь Эрен», «Веолия», «Фивс Штейн», «Буйг», «Ранжис» ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Учрашувда бунга алоҳида эътибор қаратилар экан, маданият ва санъат, туризм, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришни аниқ йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга келаётган Франциялик сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилгани ва Франция бу борада Европанинг биринчи мамлакатли бўлганини таъкидлади.

Мамлакатимизда француз тилини ўрганишга қизиқувчилар кўп. Яқинда Тошкентда Француз тили ва маданияти маркази ташкил этилди.

Иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиб борасида келишувларга эришилди.

Мамлакатимиз тарихи ва маданияти халқаро ҳамжамиятда, жумладан, Франция илмий доираларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган.

Ташриф давомида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрга-

нишга муносиб ҳисса қўшган Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намояндалари — ёзувчи Амин Маалуф, олимлар Фредерик Бопертюи-Брессанд хоним ва Франц Гренега Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилди.

Мамлакатимиз тарихий ва маданий меросига улкан қизиқишни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўرғазма ўтказиш хусусида келишувга эришилди. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказилади-ган илк кўрғазма бўлади.

Ташриф доирасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида ахдлашув битими имзоланди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳужжатлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алмашилди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунида эришилган натижалар Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Лувр музейига ташриф буюрди.

Лувр — дунёдаги энг

машҳур музейлардан бири, Франциянинг ўзига хос «ташриф қоғози»дир. У бадий коллекцияси бўйича жаҳонда биринчи, майдони бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу музейга ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳ келади.

Музей биноси 1190 йилда Франция Қироли Филипп-Август томонидан қалъа сифатида бунёд этилган. Лувр сўзи мазкур муқоффа кўрғани номидан олинган. У бир неча аср давомида Франция ўтказиш хусусида келишувга эришилди. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказилади-ган илк кўрғазма бўлади.

Ташриф доирасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида ахдлашув битими имзоланди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳужжатлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алмашилди. Давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунида эришилган натижалар Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакр ҲАМИДОВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,  
Тошкент — Париж — Тошкент

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Матбуот хизмати  
сурати.

## Маданий алоқалар изчил ривожланмоқда

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундан йигирма йил муқаддам тузилган «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти ушбу ҳамкорликни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу жамият ҳам бугунги кун талабларига ҳамохан тарзда ўзаро ҳамжиҳатлик, маданият ва таълим соҳаларидаги муносабатларни янада раванг топтиришдек эзгу мақсад йўлида фаолият олиб бораётир. Зеро, бу борадаги сайёҳаракатларга янги ҳаракат руҳи, қарашлар ва тамойиллар асосида ёндашиляптики, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар жонланиб, янги уфқлар очилляпти.

### Ўзбек шоирлари шеърлари француз тилига таржима қилинди

Франция олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда уни янада тақомиллаштириш жамиятининг ўз олдига қўйган устувор мақсадлардан биридир. Шу боис мазкур йўналишда Франциянинг юртимиздаги элчихонаси ва «Француз Альянси» билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Пировардида Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат юридик университетида Артура, Пуатье, Тур, Ницца олий ўқув юртлири мутахассислари билан тажриба алмашилмоқда. Хусусан, ўтган йили Тошкент шаҳридаги ОТМлари француз тили ўқитувчилари учун «Чет тилларни ўқитишда халқаро тажрибанинг ўрни» мавзусида семинар ўтказилди.

**Ўзбекистон**

**Франция**

**33 ҳужжат**  
— мулоқотнинг шу пайтгача мавжуд шартномавий-ҳуқуқий базаси

**€ 5 000 000 000**  
— ташриф арафасида имзоланган инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар қиймати

**10 та ҳужжат**  
— Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи давомида имзоланди

**\$ 251 600 000**  
— 2017 йилдаги товар айланмаси

**1992 йил 1 март**  
дипломатик муносабатлар ўрнатилди

**1993, 1994, 1996 йиллар**  
олий даражадаги ташрифлар бўлиб ўтди

**Орадан 22 йил ўтиб**  
Ўзбекистон етакчиси Францияга ташриф буюрди

**Биринчи давлат**  
— Европа мамлакатлари ичида Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилди

**VISA FREE**

«Халқ сўзи»

# ФРАНЦИЯ ЎЗБЕКИСТОНГА ЕВРОПА


## Давлатимиз раҳбарининг Франция Республикасига

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

• Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

• Юртбошимиз ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

• Давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди. Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан



## ЛУВР МУЗЕЙИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига расмий ташрифи доирасида Маданият вазириликнинг ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

### Маданият

Жамғарма ижрочи директори ўринбосари Гаяне Умерова ва Лувр музейи директори Жан-Люк Мартинес иштирокида тузилган ушбу меморандум кўлаб йўналишларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришни кўзда тутди. Ҳужжатда маданият ва санъат тарихи, музейшунослик, реставрация ва консервация соҳаларида илмий тадқиқотларни янада кучайтириш, Лувр музейи ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яхё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти ҳамкор-

лигида ташкил этилган Франциянинг Бухородаги археологик экспедицияси қазилма ишлари натижаларини оммалаштириш, тажриба ва мутахассислар алмашинувини янада фаоллаштириш режалаштирилган. Шунингдек, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистоннинг тарихий меросига бағишланган "Буюк Ипак йўлидаги тамаддулар ва маданиятлар" номли кўргазма ташкил этилади.

Ушбу меморандум жамғарманинг халқаро маданий алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

## Адабиёт чегара билмайди

Дунё тамаддунида француз маданияти, хусусан, адабиётининг ўзига хос ўрни бор. Оноре де Бальзак асарларини бугун бутун дунёда китобхонлар севиб мурола қилаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

### Изланиш

Айтиш лозимки, француз адабларининг ўзига хос маҳорат билан битилган роман, қисса, ҳикоя, шеър ва достонлари ўзбек китобхонлари маънавий хазинасидан ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда Франциялик ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ўгираётган мутаржимлар сафи кенгайиб бормоқда. Улардан бири наманганлик ёзувчи ва таржимон Рустамжон Уматовдир. Чортоқ туманида истикомат қилаётган ижодкор томонидан сўнгги йилларда Александр Дюманнинг

"Икки Диана" романи, Шарл Лораннинг "Наполеон жосуси" ҳамда "Наполеон ўғли" тарихий романлари, Жюль Верннинг "Клодиус Бомбарнак", "Музликда қишлоқ", "Робинзонлар мактаби", "Монтесума қизи" сингари асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилди.

Ёзувчи айни пайтда қизғин ижод билан банд. У Дюманнинг "Кавалер де Мезон Руж" романи, шунингдек, Анн ва Серж Голонлар яратган 14 томли "Анжелика" асарлари жамламасини ўзбек китобхонлигига тўхфа этиш устида иш олиб бормоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

### Хамкорлик



## Биргаликда юксак парвоз

Мана, йигирма йилдирки, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар ҳаво йўллари орқали ҳам тобора мустаҳкамланыпти. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси дунёнинг йирик самолёт ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган "Airbus" компанияси билан илчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Натижада авиакомпаниямиз парки ўнта замонавий "Airbus A320" ҳаво кемаси билан тўлдирилди.

Келгуси йилда эса яна иккита такомиллашган "Airbus A320 Neo" самолёти келтирилиши кутилмоқда. Янги ҳаво лайнери бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, унинг корпуси ўзига хос тарзда ишланган. Ёниги борасида сезиларли даражада тежамкор. Тўхтовсиз учиб масофаси 4,5 минг километрдан 6 минг километргача етади.

"Airbus" компанияси билан нафақат ҳаво йўналишида, балки авиация ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш

бўйича ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан Франция пойтахтига ҳафтасига икки марта қатнов йўлга қўйилган. Шунингдек, сайёҳлик мавсумида эса Париждан Урганчга тўғридан-тўғри рейслар ҳам ташкил этилади.

Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

### Фикр

Давлатимиз раҳбарининг Францияга расмий ташрифи доирасида турли учрашув ва тадбирлар ташкил этилиб, уларда ушбу мамлакатнинг молия, илмий ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Қўйида иштирокчиларнинг икки томонлама муносабатларга оид фикрлари билан танишасиз.

## «Ўзаро муносабатларнинг янги босқичида турибмиз»

Марк БОННЁЛЬ,  
"Авиценна-Франция"  
ассоциацияси  
президенти:

— Бизнинг ассоциация бутун Европада машҳур ва соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим ўринга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг очкичка асосланган сиёсати, замонавий мақсад ва мудоалари улкан имкониятларни юзага келтирди. Бу борада мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини юксак қадрлайман. Ибн Синодек даҳонинг Ватанида бугун яна улкан ўзгаришлар кузатишмоқда.

Дунё табobati ва замонавий тиббиётдаги ютуқлар асосчиси сизнинг аждодингиз номи билан боғлиқлиги ҳам улкан шараф. Унинг шифокорлик таълимини ўрганиш долзарбдир. Ибн Сино нафақат буюк табиб, балки кўлаб нодир фалсафий асарлар муаллифи ҳамдир. Катта мамнуният билан айта оламани, дунё Ўзбекистонни буюк тарихий шахслар ва ўлмас дурдоналар мамлакатини сифатида қайта-қайта кашф қилиши учун кўлаб сабаблар бор. Франция ҳам бугун ана шундай янги босқичдаги муносабатлар арафасида турибди.



Наталья ХАНЖЕНКОВА,  
Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг  
Марказий Осиё ва Россия бўйича  
бошқарувчи  
директори:

— Ўзбекистон етакчисининг Францияга расмий ташрифи доирасидаги йирик тадбир ва форумлар мамлакатининг бизнеси салоҳиятини француз ишбилармон доираларига тўла-тўқис тақдим қилиш имконини берди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки Франция билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Утган йили дастлабки олти лойиҳамизни имзолашга эришдик. Тошкентда офисимизни очдик. Айни пайтда иқтисодий ислохотларни олиб бориш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, хусусий шерикликни кўлаб-қувватлаш жараёнида иштирок этилмоқда. Бу борада ўзига хос тажрибага эгамиз.

Яна бир қувонarli жиҳат, бундан икки ҳафта олдин бизнинг директорлар кенгашимиз томонидан Ўзбекистонда келгуси беш йилга мўлжалланган фаолият стратегиямиз тасдиқланди ва бу, албатта, бизга катта имкониятлар яратди. Эндликда кичик бизнес ва тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш, хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳаларни янада кўпайтирамиз.

Этьенн КОМБЬЕ,  
журналист:

— Ўзбекистон — Франция муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифидан кутилаётган асосий жиҳат ҳам айни мана шунда. Француз ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлари Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билан қарапти.

Мамлакатингизда француз тили, тарихи ва маданияти анча машҳур эканлиги маълум. Бу ҳам Ўзбекистоннинг юксак тамаддуни ҳамда маданиятлар чорраҳаси эканлиги ифодасидир. Францияда Амир Темур даври тарихига оид манбаларга қизиқиш юқори. Бу борада ҳам ҳали тадқиқ қилиш зарур бўлган масалалар кўп. Бу ўзаро муносабатларимиз, мулоқотларимизнинг муҳим қисми саналади.



О. ЛУТФУЛЛАЕВ  
тайёрлади.

## «Parlez-vous français?»

Бу ибора ўзбек тилига ўгирилганда «Сиз французча гаплашасизми?» деган маънони англатади. Айтиш мумкинки, у ўзаро мулоқотга киришишда калит сўзи ҳисобланади.

БМТ иш юритадиган тиллардан бири — француз тили бугунги кунда 29 та мамлакат учун расмий тил ҳисобланса, 54 та давлатда аҳоли иккинчи тил сифатида уни яхши билади.

Ўзбекистонда ҳам Франция санъати ва маданиятига, тили ҳамда адабиётига қизиқиш кучли. Айниқса, сўнгги йилларда республикамизда француз тилини ўқитишга бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди. Бугунги кунда 17 та олий таълим муассасасида француз тили мутахассислари, педагоглар тайёрланади ва тил ўргатилади. Жорий ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро ва Самарқанд давлат университетларида лингвистика (француз тили) мутахассислиги бўйича қабул йўлга қўйилди. Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили) бакалавриат йўналишида қабул квотаси 3 баравар оширилди.

Бундан ташқари, француз тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш, ўрта мактабларда француз тили фани ўқитилиши, француз тилидан замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилиши жонланди. Айни пайтда юртимиздаги 1 минг 260 та



### Таълим

мактаб, коллеж ва лицейда, шунингдек, 8 та олий таълим муассасасида 280 мингдан зиёд ёшлар француз тилидан сабоқ олмоқда.

Мамлакатимизнинг қатор олий таълим муассасалари билан Франциянинг "Париж-Сюд", "Париж I Пантеон-Сорбонна", "Париж IV", Гре-

нобль, Ницца, София Антиполис, Тулуза, "Бретань-сюд" каби университетлари, Шарқ тиллари ва цивилизациялари Миллий институти, Тулуза шаҳридаги сиёсий тадқиқотлар институти ҳамда Версаль шаҳридаги Олий архитектура мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ва протоколлар имзоланган. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат инсти-

тути негизда Париж халқаро мода академияси филиалини ташкил қилиш масалалари бўйича музокаралар олиб бориляпти. 2015 йилдан буён юртимизда фаолият юритаётган "Тошкент Француз Альянси" ташкилоти қизиқувчиларга француз тилини ўргатиш, жамоатчиликка француз маданиятини таништиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Ханим ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Марказ ўзбекистонлик ёшларнинг Франция таълим муассасаларида таҳсил олишига ҳам амалий кўмаклашмоқда. Хусусан, франциялик мутахассислар томонидан ташкил этиладиган имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганларга DELF — Француз тили ўқув дипломи ва DALF — Француз тили чуқурлаштирилган дипломи берилди ҳамда улар воситасида ёшлар Европа давлатининг нуфузли таълим даргоҳларида ўқишни бошлаши мумкин.

— Марказда 8 мингдан ортиқ адабиётларга эга ахборот маркази мавжуд, — дейди унинг раҳбари Дилшод Аҳмедов. — Шунингдек, турли конференциялар, коллоквиум, тренинглар, малака ошириш курслари ташкил этилади. Француз тили ва маданиятига қизиқувчилар учун ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni "Кино-клуб", ҳар пайшанба "Сўзлашув клуби", ҳар шанба "Музыка клуби" ўтказилади. Франциядан ташриф буюрган турли соҳа вакиллари билан самимий учрашувлар уюштирилади.

Дилшод КАРИМОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.




# ДАРВОЗАЛАРИНИ ОЧМОҚДА

## расмий ташрифи биринчи кундаги муҳим воқеалар:

юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

• Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Унда “Тоталь”, “Тоталь Эрен”, “Орано”, “Фивс Штейн”, “Ранжис

Семмарис”, “Винчи”, “Суэц”, “Сад”, “Идемия”, “Мерсие”, “Талес Аления Спейс”, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ҳамда жаҳон бозориде етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.




## АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ ҚИРОЛИ ЎРТАСИДАГИ МАКТУБЛАР НИМА ҲАҚДА ЭДИ?

Жаҳон тарихида Франция билан дўстона муносабатларимиз теран илдизларга эга эканини ифода этувчи маълумотлар кўп учрайди. Хусусан, XIV аср ўрталарида Буюк Ипак йўлининг Фарб мамлакатларига олиб борувчи тармоғи турли низолар туфайли инқирозга учраган эди. Уша даврда Амир Темур турли соҳаларда қўлаларо алоқалар тикланишига шариот яратиб берди. Соҳибқироннинг Европа қироллари билан олиб борган мулоқотлари орасида, айниқса, Франция қироли Карл VI билан ёзишмалари алоҳида тарихий аҳамиятга эга. 1394 ва 1399 йилларда Амир Темур хузурига келган Византия императорининг Константинополдаги муовини Франсуага Сандро исмли вақил ҳамроҳ бўлган. Сандронинг қўлида Генуянинг ҳомийси бўлган Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби бор эди.

### ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА


1402 йилда Карл VI Амир Темур билан мустақам сийсий алоқаларни ўрнатгиси нигилди. Улар ёзишмаларининг бир қисми Франция ҳужжат архивида сақланади. Мазкур мактубларда Амир Темур қиролнинг Шарққа нисбатан сийсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўз давлати билан Франция ўртасида савдо-сотиқ йўлга қўйилганининг аҳамиятига эътибор қаратади: **“Бизнинг у улур амирдан кутганимиз шулдурки, доимо бизга шоҳона мактубларини юбориб, саломатликларини биддириб турсалар, токи биз хотиржам бўлғаймиз. Яна сизнинг савдогарларингиз бу тарафга қатнаб турсалар, биз бу ерда уларни азиру мукаррам тутғумиздир, шунингдек, бизнинг савдогарлар у тарафга юборилса, сиз ҳам уларни азиру мукаррам тутсангиз, ҳеч кимса уларга зўрлик қилмас ва зарарзаҳмат етказмас!”** Чунки дунё савдогарлар билан ободдир!

Соҳибқироннинг Франция қиролига ёзган, бизнинг давримизгача лотинча таржимаси этиб келган иккинчи мактуби ҳам 1402 йил 1 август санаси билан белгиланган. Ҳар иккала мактуб архиепископ Иоанн III томонидан Францияга етказилган. 1403 йил июнда Парижда этиб борган архиепископ Амир Темурнинг Франция қироллигини қизиқтирувчи тақлифини баён этади. Унда икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш ва савдо эркинлигини тегишли битим орқали кучга киритиш ўз ифодасини топганди.



Амир Темур Кўрагоннинг Франция қироли Карл VI га юборган номаси.

Амир Темурнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббуси Франция қироли томони-



Франция қироли Карл VI нинг соҳибқирон Амир Темурга юборган номаси.

дан мамнуният билан қабул қилингани 1403 йил 15 июнда Карл VI нинг Соҳибқирон номига йўлаган мактубида ўз ифодасини топади. **“Яратганинг марҳамати билан франклар қироли Карл муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ Темурбекка салом йўлайди ва тинчлик тилайди”** сўзлари билан бошланадиган мазкур мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш масаласига катта аҳамият қаратилади ва шундай сўзлар билан якунланади: **“Биз сизнинг ишларингизни, фойдали тақлифларингизни қабул қиламиз, имкони бор жойларда (уларга) баробар ва ундан ортиқроқ илтифот кўрсатишга ваъда берамиз”**.

Амир Темур ҳам, Карл VI ҳам ўзаро дўстлик ва бирдамликдан ҳамда савдо битими тузишдан манфаатдор бўлишганини мазкур мактублардан англаш мумкин. Академик Акмал Саидов ва Люсьен Керен ҳаммуал-

лифлигидаги “Амир Темур ва Франция” номи асарда Венсан Фруньёнинг Амир Темур ҳақидаги ушбу фикри қайд этилган: “Амир Темур мавзуси Фарбий Европада Клавихо ва Женкинсон сафарномалари эълон қилинмасдан бурун, шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий сингари тарихчиларнинг асарлари таржима қилинмасдан олдин тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган”.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунёнинг турли мамлакатлари билан бўлгани каби Франция билан ҳам сийсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатди. Шундай қилиб, Амир Темур ва Карл VI томонидан тамал тоши қўйилган ҳамкорлик ҳамда бирдамлик муносабатлари бутунги кунда икки давлат ўртасида янги суръатда ривожланиб бормоқда.

Хуршид ФАЙЗИЕВ, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори.

### Таассурот

Маълумотларга кўра, юртимизга Европадан франциялик сайёҳлар энг кўп ташриф буюрмоқда. Чунки уларда Ватанимизнинг буюк ўтмиши ва бугуни билан яқиндан танишишга қизиқиш жуда юқори. Муҳбирларимиз улардан айримларининг таассуротларини ёзиб олди.

## САЙЁҲЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МЕРОС

Мигела МИШЕЛЬ:

— Ўзбекистонда учинчи бор бўлишим. Сўнгги марта бундан тўрт йил аввал турмуш ўртоғим билан келгандим. Ушанда Самарқанд ва Бухорога сажат қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтгандик. Бу гал эса олам ҳамда икки қизим билан Фарғона водийсини айланганимиз ният қилдик. Марғилонда диққатга сазовор жойларни кўрдик.

Аслида, мамлакатингиз ҳақида кўп маълумотга эгаман. Масалан, минглаб маданий мерос объектлари, археологик манзиллар ЮНЕСКО рўйхатида киритилганидан хабарим бор. Улар тўғрисида ўқиш бошқа, ўз кўзинг билан кўриш бошқа. Шу боис мен каби францияликларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга бир бор бўлса-да келиб, бу кўхна замин тарихи, ҳозирги ривожланиб босқичи билан яқиндан танишишни истайди.

Айни кунларда ажойиб янгилик эшитдик. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонга францияликларнинг визасиз келиши йўлга қўйилди. Ишончликомки, бу имконият туфайли юртингизга Франциядан сайёҳлар оқими кескин ортади.

Пьер ДЕШАМ:

— Қарши шаҳридаги дарё устидан ўтаётганимизда, таржимон “Бу Амир Темур кўприги!”, дея айтади. Мен бу буюк саркарда билан боғлиқ барча тарихий ёдгорликларга қизиқман. Қарши шаҳрида бундай тарихий обида ва манзиллар анча экан. Уларни айланиб, улкан таассуротларга эга бўлдим. Юртингиздаги гўзал манзараларни суратга олдим. Яқинларимга кўрсатиб, ҳайра қилиб бераман.

Францияда Амир Темур шахсига эътибор жуда катта. Уни Европанинг халоскори сифатида билишадди. Бу ҳақда кўплаб тарихий адабиётлар, фильмлар яратилган. Мен шундай буюк инсонлар яшаган жойларни ўз кўзим билан кўрганимдан беҳад мамнунман.

“Халқ сўзи” муҳбирлари ёзиб олди.

# Маданий алоқалар изчил ривожланмоқда



Унда ЎзМУда фаолият олиб борган Франц Воерли ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, келажакда мазкур соҳада алоқаларни янада мустақамлаш борасида тақлифларини билдирди. Сорбонна III Нувель университетидан фалсафа фанлари доктори Франц Воерли мазкур билим даргоҳидаги ўқув жараёнларига жалб этилди. Яқинда Анже университетидан яна бир француз мутахассиси Людовин Тортеро де Сазийи эса ЎзМУ, ЎзДЖТУ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқув машғулотларини бошлади.

Охириги уч йилда Франциянинг олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик натижасида “Француз тили” аудио дарслиги, миллий-маданий сўзлар лугати, оғзаки нутқ кўникмалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бундан ташқари, Абдулла Орипов ҳамда Эркин Воҳидов қаламига мансуб шеърларнинг иқтидорли талабалар томонидан француз тилига қилинган таржимаси франциялик мутахассислар таҳрири остида нашр этилди.

### Грантларнинг доимий иштирокчиси

“Ўзбекистон — Франция” дўстлик жамияти Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан 2017 йилда ўтказилган грант лойиҳасида ғолиб бўлди. Бугунги кунда унинг доирасида сайёҳлар учун “Гастрономик лугат” (ўзбек, рус, инглиз ва француз тилида)нинг мобил иловаси яратилди, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил қилиниб, ОАВда кенг ёритиб борилди.

Ўз навбатида, жамият вақиллари шу йил август ойида Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги “Лурен таржимонлар уйи” томонидан эълон қилинган швейцариялик ёзувчиларнинг француз, инглиз ва немис тилларида ёзган асарларини ўзбек тилига таржима қилишига йўналтирилган халқаро конференцияда қатнашиб, бадиий асарлар таржимасига йўналтирилган стипендияларга жалб этилди. Қолаверса, Франциянинг “Галлимард” ва “Фалла” нашриётлари билан имзоланган шартно-

малар асосида танланган асарлар ўзбек тилига ўгириллаётди. Бу ҳам икки давлат адабий алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қиляпти, албатта.

### «Кўхна қитъа»да Ўзбекистонга қизиқиш катта

Юқорида айтиб ўтилганидек, бугун икки давлат ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, бу борада халқ дипломатияси имкониятларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият аъзолари ўтган йил ноябрь ойида Франциянинг Тур шаҳрида бўлиб ўтган “Тил ва маданият” фестивалида “Хорижликлар учун ўзбек тили” дарси, сахна кўринишлари, миллий кўргазмаларни ўз ичига олган дастур билан иштирок этгани ҳам бунга мисол бўла олади. Ёки Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида “Ўзбекистон — Франция дўстлик алоқаларининг халқ дипломатияси ривожланишидаги ўрни”

мавзуида халқаро экспертлар иштирокида тадбир ташкил этилгани ҳам диққатга сазовор. Долзарб мавзуга бағишланган мазкур тадбирда қатнашган Европа парламенти аъзоси Патрисиа Лалонд, Франция Сенати аъзоси, Лекануз институти президенти Иф Поззо ди Борго, “IPSE” уюшмаси тадқиқотчиси, Европа геополитикаси академияси бош қотиби Жан-Антуан Дюпра, маданий алоқалар бўйича тадқиқотчи Ҳабиби Фатхи Ўзбекистонда кейинги йилларда кузатилаётган ўзгаришларга юқори баҳо бериш баробарида, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичда ривожланишига умид билдирдилар. Мамлакатимиз дипломатик ваколатхонасида, шунингдек, Францияда тахсил олаётган юртимиз ёшлари билан давра суҳбати ўтказилди.

Жамият Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, “Француз Альянси” ва барча дўстлик жамиятлари билан ҳамкорлик алоқаларини изчил олиб борапти. Республикаимизда бир қанча маданий-маърифий анжуманлар ўтказмоқда.

Айниқса, француз ёзувчиси Люсьен Кереннинг “Амир Темур салтанати” асари кўргазмаси ва унинг таржима китоби тақдимоти, Ле Клеззионинг “Мондо” ва Француз Мориакнинг “Илонлар қомида” асари таржимони Ш. Миноваров иштирокидаги давра суҳбати адабий соҳада олиб борилган аҳамиятга молик тадбирлардан биридир.

Ана шундай ишлар кўлами ва уларнинг ижобий натижаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-йўналишлар қатори таълим, илм-фан, маданият, халқ дипломатияси соҳаларида ҳам юқори босқичга кўтарилмоқда. Келгусида бу борадаги сайёҳаракатлар изчил давом эттирилади.

Раҳима ШИРИНОВА, «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти ижрочи директори, филология фанлари доктори, профессор.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш билан бирга, илм-фан ва ташқи сиёсат борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларни, хайрли ишларни амалга ошириш учун эса қонуний асослар зарур бўлади. Шу маънода, барча жабҳада кечаётган туб ислохотларга ҳамроҳанг бўлган пухта ва мукамал қонунлар яратилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТДА ИЛМ-ФАН, ТУРИЗМ, СУД-ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

2018 йил 9 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир қатор долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилган навбатдаги мажлисида депутатлар муҳокамаларга ана шу мезонлар асосида ёндашдилар. Таъкидлаш жоиз, аввалроқ барча масала сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати йиғилишларида муҳокама қилинган эди.

Олий Мажлис қўйи палатаси мажлиси кун тартибидан ўрин олган дастлабки масала — “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси депутатларнинг қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, биринчи ўқишда кўриб чиқилган мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мамлакат илм-фани ва илмий салоҳиятини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва техниканинг ҳиссасини ошириш, амалга оширилмаган илмий тадқиқотларнинг сифати ҳамда самарадорлигини юксалтириш, илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ўртаси-

даги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи хар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. “Фан тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишининг зарурати ҳам шунданidir.

Қонун лойиҳаси билан илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органларнинг ваколатлари, илмий ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳамда давлат илмий-техникавий экспертизаси, илмий ҳамда илмий-техник натижаларнинг илмий ва илмий-техник даражасини, иқтисодий самарадорлиги ҳамда амалий аҳамиятини комплекс тарзда баҳолаш ва мониторинг қилиш белгиланмоқда. Шунингдек, яна бир муҳим жиҳат — илмий ҳамда илмий-техникавий фаолиятни молиялаштиришнинг асосий принциплари, манбалари ва шакллари кўрсатиб ўтилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши илмий ҳамда илмий-техникавий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг барқарорлиги, аниқлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш, шунингдек, туризм соҳаси субъектлари фаолиятининг шафқофлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳисобига барча даражадаги бюджетларга туризмдан туша-

диган даромадларни ошириш, қонунларимизнинг туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан уйғунлигини таъминлашга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда.

Депутатлар томонидан қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан туризм фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳолати аниқлаштирилади, давлат ҳокимияти органининг туризмни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Маҳаллий Кенгашларда

Аниқланган камчиликлар

халқ вакиллари иштирокида кўриб чиқилди

Андижон вилоятининг Асака тумани Эргашобод маҳалласининг Соҳибкор массиви қир-адирликларда жойлашган бўлиб, бу ерда 167 та хонадонда 900 нафар аҳоли истиқомат қилади. Туманнинг чекка, географик жиҳатдан ноқулай мазкур ҳудудда коммунал, транспорт ва ижтимоий инфратузилма яхши ривожланмаган, аҳолини ўйлантираётган бозна муаммолар ҳам талайгина.

Фуқароларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли ва аҳолини қўйиб қўладиган масалаларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан 1,2 километр узунликдаги тоза ичимлик суви тармоғини тортиш ҳамда кўтарма насослар ўрнатишга келишиб олинди. Қолаверса, ички йўллари таъмирлаш, мактабгача таълим муассасаси очилиш ишлари декабрь ойида якунланиши белгиланди.

Ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, одамларнинг кундалик турмуши учун барча зарур шароитни тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сессияларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти органлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.

Қун тартиби доирасида бандлик, инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татиқ этиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ва бошқа йўналишларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳусусида мутасаддиларнинг ахбороти этиштирилди. Шунингдек, туманларни комплекс ривожлантириш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича вакифалар ижроси юза-

сидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш чоралари кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, жойларда одамларни ўйлантираётган муаммолардан бири бандлик даражасининг пастлигидир. Уни ҳал қилиш мақсадида туманларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Объектлар хатловдан ўтказилганда, биргина Андижон туманида 186 та бўш турган иншоот борлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда уларни ишбилармонларга сармоа киритиш ва иш ўринларини ташкил этиш шарти билан “ноль” харид қийматида бериш борасида иш олиб бориляпти.

Утказилган тадбирларда Асака, Андижон ва Избоскан туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид ишларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ**  
**МИЛЛИЙ БАНКИ**

*миллий ва хорижий валюталарга мўддатли янги омонатни тақлиф этади:*

**«Мустақиллик-27»**

- сақлаш мўддати — **27 ой;**
- йиллик фоиз ставкаси:
  - миллий валютадаги омонат учун — **йиллик 18%;**
  - хорижий валютадаги омонат учун — **йиллик 5%.**
- қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- ҳисобланган фоизлар хар ой талаб қилиб олгунга қадар ҳисоб рақамига (мижоз хоҳишига кўра, сўм ёки VISA пластик карточкасига) кириб қилиниши мумкин;
- омонат шартномаси мўддатидан олдин ёпилган тақдирда, омонатга ҳисобланган ва мижозга чиқим қилиб берилган омонат фоизлари қуйидаги тартибда қайтадан ҳисобланади.

Омонат сақланиш мўддати	Фоиз ставкаси	
	сўмда	АҚШ долларида
6 ой	15%	3%
7 — 12 ой	16%	3,5%
13 — 18 ой	16,5%	4%
19 — 24 ой	17%	4,5%
25 — 27 ой	18%	5%

Жамғармаларини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 71 148-00-10 телефон рақами орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.

**WWW.NBU.UZ** Хизматлар лицензияланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали**  
*вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:*

- Ўзбекистон тарихи ва Диншунослик фанлари бўйича: доцент — 0,5 ўрин.
- Рус тили фани бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
- Хорижий тил фани бўйича: катта ўқитувчи — 0,75 ўрин.
- Жисмоний тарбия ва спорт фани бўйича: ассистент — 0,5 ўрин.
- Олий математика фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
- Физика фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
- Техник тизимларда ахборот технологиялари фани бўйича: доцент — 0,25 ўрин, ассистент — 0,5 ўрин.
- Кимё фани бўйича: доцент — 0,25 ўрин, ассистент — 0,25 ўрин.
- Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича: катта ўқитувчи — 0,75 ўрин.
- Назарий механика фани бўйича: доцент — 0,25 ўрин.
- Амалий электроника асослари ва Электрон техника материаллари ва элементлари фанлари бўйича: доцент — 0,25 ўрин.
- Электр техник материаллар ҳамда Электр механик тизимлари аппаратлари, элементлари ва ўзгартгич техникаси фанлари бўйича: доцент — 0,25 ўрин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар филиал директори номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Эслатма:** танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтадилар.

Ҳужжатлар Кўқон шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 4-ўйда жойлашган Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали биносида ҳамда Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-ўйда жойлашган Тошкент давлат техника университети бош биносининг 418-хонасида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: Кўқон шаҳрида 73 541-17-95, Тошкент шаҳрида 71 246-81-42.

**«ELXOLDING»** **ADOSH**

**ЮК ТАШУВЧИ МОТОЦИКЛЛАР**

Тўлов шакли — ТУРЛИЧА ВА КРЕДИТГА.

Тел.: 93 330-50-00, 71 239-12-54.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

**ООО «Butlash Garant Servis»**  
**предлагает бетономешалки российского производства**

- 1. Бетономеситель гравитационный MC-200**  
Технические характеристики:  
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.
- 2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1**  
Технические характеристики:  
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

**Форма оплаты — перечисление.**

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергеевский р-н, ул. Олтин водий, 29А.  
Телефоны: 97 760-86-00, 90 370-86-86.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 186 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71 233-52-55;  
Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Б. Ғофуров.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.30 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6